

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАХАМАДЖАНОВ ФАРХОД РАВШАНОВИЧ

**ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА ТАЙЁРЛАШ**

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ - 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Махамаджонов Фарход Равшанович Ёш футболчиларни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш.....	3
Махамаджонов Фарход Равшанович Подготовка юных футболистов на основе учёта возрастных особенностей.....	27
Maxamadjanov Farhod Ravshanovich Training of young football players on the basis of accounting age features.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List published works	55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАХАМАДЖАНОВ ФАРХОД РАВШАНОВИЧ

**ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА ТАЙЁРЛАШ**

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped453 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.uzdjtsu.uz ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мусаев Баҳром Бахтиёрвич**
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Кошбахтиев Ильдар Аҳмедович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Комилов Жамолиддин Каримович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” “_____” соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “А” биноси, 114 хона).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилган.
(2019 йил “___” _____ даги рақамли реестр баённомаси]

Р.Д.Халмухамедов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д.

Н.М.Юсупов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар котиби, п.ф.б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Футбол дунё миқёсидаги энг ривожланган ва етарли даражада оммалашган спорт тури ҳисобланади. Спорт даражасидаги мусобақалар натижалари омманинг нафақат қайфиятига, балки бевосита инсонларнинг меҳнат фаолиятига таъсир қилади, миллатлар ва давлатлар мавқеига дахлдор бўлади. Шу сабабли спорт сўнги йиллар давлат арбоблари, тадқиқотчилар ва илмий ходимлар диққатини янада кўпроқ тортмоқда. Ҳозирги пайтда спорт соҳасида илмий тадқиқотлар анча кенгайди. Мазкур ҳолат ушбу спорт турига ёшларни саралаш ва улар билан ўтказиладиган ўқув тренировкаларининг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда илмий асосда ташкиллаштиришни тақозо этади. Турли йўналишларда ёш футболчиларни тайёрлаш услубияти бўйича спорт педагогикаси, психология, морфология, биохимия, физиология ва биомеханика, спорт тиббиёти соҳаларида жуда бой амалий ва назарий материаллар тўпланган.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида футбол назарияси ва методикасида ёш футболчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик даражаларини тадқиқ қилиш, ўқув тренировкаларини режалаштириш (микромезо-макроцикл) бўйича кўплаб ишлар олиб борилмоқда. 13-17 ёшли футболчилар жисмоний ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг мусобақа фаолияти тузилишини баҳолаш, ёш футболчиларнинг умумий ва махсус тайёргарлиги назорат нормативларини балли баҳолаш, спорт такомиллашувининг турли даражаларида жисмоний сифатларнинг мажмуавий намоён бўлиши ўзаро нисбатларини аниқлаш юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган. Футбол спортида натижаларнинг жадал ўсиши, мазкур соҳада замон талабларига жавоб берадиган ўқув тренировкаларининг восита ва усулларини излаб топиш талабини кўймоқда.

Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний тайёргарлик масалалари борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Футболчиларнинг жисмоний, функционал, техник-тактик тайёргарликларига таъсир кўрсатадиган омилларнинг бирлигини ўзида мужассам қиладиган бир қатор масалалар илмий-методик адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Ёш футболчилар тренировкаси бўйича алоҳида экспериментал ва методик ишланмалар турли шароитларда, ёши ва малакаси ҳар хил бўлган спортчилар билан амалга оширилган. Кўпинча, хусусий масалаларга эътибор қаратилиб, тизимлилик ва ўзаро боғлиқлик муаммолари эътибордан четда қолган. Юқоридаги келтирилган барча далиллар тадқиқ қилинаётган муаммонинг узоқ ва яқин хориж давлатларида ҳамда Ўзбекистонда етарлича ўрганиб чиқилмаганлиги ва долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши, 2017-2021 йиллар учун жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш дастури ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу

диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади¹.

Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» билан боғлиқ устувор йўналишига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий-методик адабиётларни таҳлили, Ўзбекистонда ва хорижда ёш футболчиларнинг тренировкани бўйича кўп сонли экспериментал ва методик ишланмалар мавжудлигини кўрсатди, улар турли шароитларда, ёши ҳамда малакаси ҳар хил бўлган спортчиларда, фақатгина хусусий вазифаларни ҳал қилиш билан чегараланган ҳолда тизимсиз амалга оширилган (В.П.Губа, Т.Т.Иманалиев, Г.Р.Карапетян, И.Е.Майпас)².

Тренировка юктамаларини турли йўналишдаги ва жадалликка эга бўлган рационал уйғунлаштириш масалаларида бир-бирига қарама-қарши кўрсатмалар мавжуд бўлиб (С.Н.Андреев, Г.Л.Драндров)³, бу, зарурий ҳаракат сифатларини ва хусусан, футболда натижавийликни оширишнинг энг муҳим омиллари сифатида тезкорликни, чидамкорликни ва тезкор-куч имкониятларини ривожлантиришга бағишланган тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Болалар ва ўсмирлар футболни бўйича илмий-методик адабиётлар таҳлили кўп сонли масалалар ўрганилмаганлигини кўрсатди, жумладан, ишчанлик қобилиятини зарурий даражасига эришишда футболчиларни базавий ҳамда мусобақа тайёргарликлари жараёнида асосий жисмоний сифатларини ривожлантириш учун керакли воситаларни қўллашни ва уларнинг нисбатларини ўрганиш мақсадида ҳам уларни ҳал қилиш зарур.

Тадқиқотни диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини “Ўзбекистон терма жамоаларини юқори малакали спортчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” муаммоси бўйича тасдиқланган илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

¹ 2018 йил 16 мартдаги “Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610-сонли Қарори. 2017 йил 9 мартдаги ПФ-2821-сонли “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва Параолимпия ўйинларига тайёрлаш ҳақида”ги, Фармони 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

² Губа В.П. Основы распознавание раннего спортивного таланта. Учебное пособие для высших учебных заведений физической культуры. Терра-Спорт. М., 2003, 265 с; Иманалиев Т.Т. Сопряженная физическая и технико-тактическая подготовка футболистов на этапе спортивного совершенствования. Автореф. дис. ... к.п.н.-М., 1993. с-24; Майпас И. Е. Программирование тренировочных нагрузок юных футболистов на этапе спортивного совершенствования. Автореф. канд. дис, Т, 2004, 27 с.

³ Андреев С.Н. Улучшать организацию подготовки юных футболистов в группах спортивного совершенствования. ТИПФК. 1988. №6 с 20-22; Драндров Г.Л. Развитие спортивно-силовых качеств и быстроты у футболистов 13-16 лет с учётом типологических особенностей проявления свойств нервной системы. Автореф.канд.дисс. Омск, 1989,20 с.

Тадқиқотнинг мақсади. Ёш футболчиларнинг тренировка жараёни самарадорлигини, уларнинг ёшга оид хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёш футболчиларнинг тайёргарлигини мажмуавий назорат қилишнинг стабил ва информатив тестларини белгилаш;

ёш футболчиларни йиллик циклдаги жисмоний, техник ва тактик тайёргарлигини аниқлаш;

тренировка ва мусобақа юкламаларининг захираларини ва оптималлаштириш шарт-шароитларини аниқлаш;

ёш футболчилар тайёргарлигини чегараловчи томонларини оширишга йўналтирилган методика ва воситаларини тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти - ёш футболчиларнинг йиллик циклдаги ўқув-тренировка жараёни.

Тадқиқотнинг предмети - ёш футболчиларнинг жисмоний сифатлари ва функционал тайёргарликларини ривожлантириш усуллари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Ўрганилаётган масала бўйича адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш, амалий тажрибани умумлаштириш, анкета-сўров ўтказиш, мусобақа ва тренировка фаолиятини педагогик кузатиш, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик ҳамда техник маҳоратни назорат қилиш, спортчиларнинг функционал ҳолатини тестли баҳолаш, инструментал усуллар, тадқиқотнинг ташкил қилиниши, математик статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёш футболчилар тайёргарлигини мажмуавий назорат қилиш учун биринчи мартаба стабил информатив тестлар ушбу ёш гуруҳлари учун ишлаб чиқилган ва илмий асосланган;

йиллик тайёргарлик циклида 13-17 ёшли футболчиларнинг жисмоний, техник ва функционал тайёргарлик даражалари аниқланган;

синалувчиларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, функционал ва техник-тактик тайёргарлигини оширувчи захира шароитлари (оптимал юкламалари) аниқланган;

ёш футболчиларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, йиллик циклнинг турли даврлари ва босқичларидаги ўқув-тренировка режалари (тренировкалар кетма-кетлиги, ҳажми, специфик ва носпецифик машқлар) такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: тренерлар, тажрибада олинган маълумотлар асосида, тренировкаларнинг сифатини йил давомида ҳисобга олишни рационал режалаштириш, босқичли назорат тестларини қўллаш ҳисобига ва функционал тайёргарликни баҳолаш учун содда бўлган инструментал усуллар, тайёргарлик босқичидаги ҳафталик микроцикллар режалари, жисмоний сифатларни ривожлантириш усуллари ва техник-тактик маҳорат ҳисобига ошириш имкониятига эга бўлишди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Амалиётчи тренерлар, тажрибада олинган маълумотлар асосида, болалар ва ўсмирлар жамоалари тренировкаларининг мазмунини яхшилаш ва кенгайтириш имкониятига, айнан: ёш футболчиларнинг техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигини назорат қилиш учун стабил тестларни қўллаш; ишлаб чиқилган ўқув дастурларини қўллаш; ёш футболчилар тайёргарлигининг турли даврлари ва босқичларидаги ҳафталик микроциклларни тузишнинг таклиф қилинган вариантларини қўллаш; носпецифик ва специфик машқлар ёрдамида жисмоний сифатларни ривожлантириш методикаси ва воситаларини қўллаш имкониятига эга бўлишди.

Тадқиқотнинг асосий ҳолатлари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва факультетлари талабалари ҳамда малака ошириш марказлари тингловчилари учун маърузаларда ҳамда амалиётчи тренерларни «А», «В» ва «С» лицензияли курсларда ўқитиш жараёнида қўлланилиши мумкин. Тадқиқот материаллари футбол бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва методик тавсияларни тайёрлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик усули), мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг илмий қарашларини асосланганлиги билан ҳамда жисмоний тарбия ва спорт назарияси соҳасидаги тренерларнинг хизмат кўрсатганлиги, тадқиқотнинг вазибаларига мос келадиган ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот усулларини қўлланиши, синовдан ўтказиладиган контингентни ва тадқиқот натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба ишлари ва пробаларнинг репрезентативлиги, тадқиқот натижаларини қайта ишлаш пайтида математик статистика усулларини қўллаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. “Ёш футболчиларни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш” мавзуси бўйича ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий тавсиялар асосида:

ёш футболчиларнинг амалий тайёргарлигига умумий ва махсус жисмоний сифатлар ҳамда функционал тайёргарлигини назорат қилиш тестлари “Планирование и построение годичного цикла при подготовке футболистов детско-юношеского возраста” номли ўқув қўлланмада акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маълумотномаси 03-08-08-111). Натижада: барқарорлик коэффициенти 0,75 дам кам эмас;

ёш футболчиларнинг тест натижалари ишончлилик кўрсаткичлари ошган: умумий жисмоний тайёргарлик бўйича 17,5%; махсус жисмоний тайёргарлик бўйича 15,3% лар “Планирование и построение годичного цикла при подготовке футболистов детско-юношеского возраста” номли ўқув қўлланмада акс этирилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маълумотномаси 03-08-08-111). Натижада: функционал тайёргарлик бўйича 11,1% га ўсган;

мусобақа жараёнида 14-15 ёшли футболчиларнинг ТТХ самарадорлик коэффициенти натижалари “Планирование и построение годового цикла при подготовке футболистов детско-юношеского возраста” номли ўқув қўлланмада акс этирилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги далолатномаси 03-08-08-111). Натижада: 14 ёшли футболчиларнинг ТТХ самарадорлик коэффициенти 0,56 дан 0,62 гача, 15 ёшли футболчиларда 0,62 дан 0,68 гача ошган;

йиллик циклни турли даврлари учун дастурлар татбиқ этилган. 14-15 ёшли футболчиларнинг жисмоний сифатлари ва функционал тайёргарлигини ривожлантиришга йўналтирилган машқлар таклиф этилган ва “Планирование и построение годового цикла при подготовке футболистов детско-юношеского возраста” номли ўқув қўлланмада акс этирилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги далолатномаси 03-08-08-111). Натижада: ёш футболчиларнинг тайёргарлик ҳолати 8,3% га ўсган ва Тошкент шаҳар чемпионатида биринчи ўринни эгаллаган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Диссертация тадқиқотларининг асосий ҳолатлари ва материаллари “Футбол назарияси ва услубияти”, “Спорт ўйинлари назарияси ва услубияти” кафедраларининг кўшма мажлисида, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Илмий кенгашида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 15 та илмий мақолалар ва тезислар чоп этилган, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 3 та мақола, жумладан, 1 та хорижий журналларда, 2 та республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва структураси. Диссертация иши 142 varaқ компьютер матнида баён қилинган ва кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация иши 28 та жадваллар, 2 расм ва жорий қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотлар бўйича танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, ўрганилган муаммо бўйича хорижий ва мамлакатимиздаги илмий ишлар таҳлили ҳамда муаммонинг ўрганилганлиги даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, илмий ишни фан ва технологиялар ривожланишининг асосий йўналишларига мослиги кўрсатилган ва тадқиқотларнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларни нашр қилинганлиги ва амалиётга жорий қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, ишнинг структураси акс эттирилган.

Диссертация ишининг биринчи “Адабиётлар манбалари маълумотлари бўйича масаланинг ҳолати” номли бобида кўп йиллик

тайёргарликнинг йиллик циклида ёш футболчилар тайёргарлиги, жисмоний сифатларни ривожлантириш ва техник-тактик тайёргарликни такомиллаштириш масалалари акс эттирилган. Спорт захираси тизимини бошқариш таҳлил қилинган, болалар ва ўсмирлар футболни ташкил қилиш ва назорати масалалари ҳамда мусобақа машқларини болалар ва ўсмирлар организмига таъсири ўрганилган.

“Тезкорлик” бўлимида болалар ва ўсмирлар спорти муаммолари, ҳал қилишга ёндашувларнинг кўп хиллигидан келиб чиққан ҳолда, уларни спортнинг ҳар хил турларида амалга оширилган спорт тренировкаси назарияси ва услубияти нуқтаи назаридан ҳамда физиологик, биокимёвий, биомеханик, психологик фанлар нуқтаи назаридан ҳам кенг ёритилган. Лекин айрим тадқиқотлардаги хулосаларнинг қарама-қаршилиги, уларни етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини ва спортчиларнинг тезкорлик имкониятларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш нуқтаи назаридан янада деталлаштирилган ҳолда ўрганилишини талаб қилади. Ушбу масалалар, айниқса, футболда тезкорлик характеридаги ўйин ҳаракатлари имкониятларини оширишни излаш вақтида юзага келади.

“Тезкор-куч сифатлари” бўлимида спортчиларни тайёрлаш муаммоларининг кўп хиллиги орасида спорт маҳоратини шакллантиришнинг энг муҳим компонентларидан бири сифатида тезкор-куч тайёргарлиги алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Юқори малакали спортчиларда тезкор-куч тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятлари қонуниятларини, бир томондан, энг муҳим масала сифатида ва бошқа томондан эса, етарлича ўрганилмаган масала сифатида излаб топиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Хусусан, футбол учун характерли, кутилмаганда тезкор реакция қилиш ва рақибнинг қарши ҳаракатлари мавжуд бўлган спорт турларида тезкор-куч тайёргарлиги масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Футболда ўйин фаолияти, ўйинда мураккаб ҳужум ва ҳимояланиш ҳаракатлари кўникмаларини бажариш пайтида, бир вақтнинг ўзида тезкорлик ва куч сифатларини намоён қилиниши билан биргаликда, ўзгарувчан ҳолатларга тезкор реакция қилишни талаб қиладиган хилма-хил тез ўзгарувчи ҳолатларда содир бўлади. Лекин болалар ва ўсмирлар футболда тезкор-куч сифатларини ривожлантириш масалалари етарлича ўрганилмаган.

“Куч ва чидамлик” бўлимида мушак кучини ривожланишидаги ёшга оид ўзгаришлар кўпинча ёш футболчилар ҳаракат фаоллигининг даражаси ва пубертат даврининг, организмнинг морфологик ва физиологик имкониятларини ўзгаришини таъсири билан белгиланади. Шунинг учун, кучни тарбиялаш жараёнида организмнинг ёшга оид хусусиятларидан ҳамда танланган спорт турининг спецификасидан келиб чиқиш зарур, бу мазкур тадқиқотлар учун ўта муҳим.

“Спортда такомиллашувнинг ҳар хил даражаларида жисмоний сифатларни мажмуавий намоён қилинишининг нисбатлари” бўлимида, уларнинг спортда такомиллашув жараёнидаги оптимал нисбатлари жисмоний тарбия назарияси ва услубиятининг муҳим масалалари қаторига

кириши кўрсатилган, чунки бу, спорт турларининг таъсири билан ҳам ва шуғулланувчиларнинг ёшга оид хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлган кенг масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Умуман олганда, адабиётларнинг таҳлиliga кўра, ишчанлик қобилиятининг зарурий даражасига эришиш учун керак бўлган жисмоний сифатларни ёшга оид хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, базавий ҳамда мусобақа тайёргарлиги жараёнида ривожлантириш учун воситаларни қўллаш нисбатларини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар ўта долзарб тарзда юзага келади.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларнинг ташкил қилиниш усуллари ва синовдан ўтувчиларнинг тавсифлари”** номли иккинчи бобида тадқиқотлар уч босқичда ташкил қилинганлиги ёритилган. Биринчи босқичда (2014-2015 йй.) ўрганилаётган муаммонинг ҳолати махсус илмий-методик адабиётлардаги маълумотлар бўйича ўрганилди. Иккинчи босқичда (2016 й.) дастлабки педагогик тажриба ўтказилди. Бунда Тошкент шаҳар биринчилиги ўйинларида ёш футболчиларнинг мусобақа фаолияти устидан педагогик кузатишлар ўтказилди. Бир вақтнинг ўзида, Республика олимпия захиралари коллежи ҳар хил ёшдаги футболчиларининг ўқув-тренировка жараёни кузатилди.

Бунда тренерлар томонидан ўргатиш жараёнида қўлланиладиган анъанавий усуллар ва воситалар самарадорлиги ўрганилди. Шу туфайли, жисмоний ҳолатни ва техник-тактик тайёргарлик даражасини баҳолаш учун 2.1-жадвалда келтирилган тестлар мажмуаси бўйича педагогик тестлаш амалга оширилди. Тадқиқотда қўлланилган ушбу назорат тестлари, биз томондан, дастлаб стабиллиги ва информативлиги нуқтаи назаридан текширилди. Дастлабки тажрибанинг ушбу қисмида 113 нафар футболчилар иштирок этишди, улардан 22 нафари – 13 ёшли, 25 нафари – 14 ёшли, 21 нафари – 15 ёшли, 18 нафари – 16 ёшли ва 25 нафари – 17 ёшли футболчилар.

Асосий педагогик тажриба 2017 йилда ўтказилди. Ундан мақсад, тайёргарликнинг йиллик цикли босқичларида таклиф қилинган дастурлар ва тренировка машқларининг самарадорлигини тажрибада текширишдан иборат бўлди. Тажрибада футбол жамоаларидаги 14 ва 15 ёшдаги спортчилардан мос равишда 23 ва 22 нафари иштирок этди. Бу ёшдагиларни танлаш, жисмоний ривожланганликнинг тана узунлиги, тана массаси, ўпканинг ҳаётий сифими, кислородни максимал истеъмол қилиш, чидамлилиқ, анаэроб-гликолитик қобилиятлар, тезкорлик қобилиятлари ва чаққонлик каби асосий параметрлари ушбу ёшда акцентлаштирилган ривожланишнинг босқичлари билан энг катта даражада тўғри келиши билан боғлиқ. Табиий ўсиш суръатлари “юқори” ва “жуда юқори” сифатида тавсифланади.

Диссертациянинг **“13-17 ёшли футболчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги даражаларини мусобақа фаолиятидаги хусусиятларини тадқиқ қилиш”** номли учинчи бобида ёш футболчилар мусобақа фаолиятининг аҳамияти, структураси ва кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотларнинг натижалари акс эттирилган.

Юқорида баён қилинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, 13-17 ёшли футболчилар тайёргарлиги жараёнидаги мусобақа фаолиятини (МФ) кўрсаткичлари қийматларини аниқлаш мақсадида, футбол бўйича мутахассислар, тренер-педагоглар ўртасида анкета-сўрови ўтказилди. Сўровда жами 72 киши иштирок этди, уларнинг амалий иш стажи 10 йилдан кам бўлмаган муддатни ташкил қилди.

Анкета-сўровни ўтказиш жараёнида бир қатор масалалар ўрганилди, жумладан, футболчиларни тайёрлаш жараёнидаги МФ элементларининг қийматлари ҳам таҳлил қилинди. Анкеталарни таҳлил қилиш жараёнида МФ элементларининг энг аҳамиятли қийматлари қуйидаги тартибда аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

13-17 ёшли футболчиларни тайёрлаш жараёнидаги мусобақа фаолияти кўрсаткичлари қийматлари (анкета-сўров натижалари бўйича)

№	МФ элементларининг номи	Респондентлар сони	%
1.	Дарвозага оёқлар ва бош билан берилган зарбалар	59	81,9
2.	Тўпни узатиш	55	76,3
3.	Дриблинг (финтлар), алдаб ўтиш	44	61,1
4.	Тўпни тўхтатиш	42	58,3
5.	Тўпсиз ҳаракатланиш техникаси	34	47,2
6.	Тўпни олиб юриш	52	72,2
7.	Тўпни олиб қўйиш (олдиндан олиб қўйиш (перехват))	50	69,4
8.	Бош билан ўйнаш техникаси	22	30,5
9.	Гуруҳдаги ўзаро ҳаракатлар самарадорлиги	12	16,7
10.	Стандарт ҳолатларни амалга оширилиши	14	19,4
11.	Тўпни ён чизикдан ўйинга киритиш (аут)	9	12,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, анкета-сўровида иштирок этган тренерларнинг фикрига кўра, дарвозага зарба бериш (81,9%), тўпни ҳар хил узатишлар (76,3%), тўпни олиб юриш (72,2%), тўпни тортиб олиш (69,4%) каби техник-тактик ҳаракатлар энг аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу мисоллар футбол ўйинининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади ва шунинг учун тренерлар ушбу ҳаракат амалларига устуворликни бериши бежиз эмас.

Афсуски, рақибни алдаб ўтиш ва финтлар каби кўрсаткич кутилганидан паст (61,1%) бўлди. Бу, футболчининг индивидуал ҳаракатларига айнан болалик ва ўсмирлик даврида асос солинишига қараб содир бўлади. Бизнинг фикримизга кўра, ушбу ҳаракат амалларига айнан ўсмирлик даврида ўргатилмаса ва улар қўллаб-қувватланмаса, келажакда жамоаларнинг тоифаси ва маҳорати даражаси паст бўлади.

Анкета-сўровида иштирок этган тренерлар бош билан ўйнаш техникасига ундан ҳам кам (30,5%) эътибор қаратишади. Айнан шу ҳолат, мамлакатимиз миллий терма жамоасини халқаро даражадаги мусобақаларда кўп йиллар давомида ўйинни ташкил қилишда ушбу кучли ва самарали техник-тактик ҳаракатларнинг кам қўлланилиши сабаб бўлса керак.

Ёш футболчиларнинг мусобақа фаолияти хусусиятларини янада аниқлаштириш мақсадида, биз, бешта ёш гуруҳлари – 13, 14, 15, 16 ва 17 ёшли футболчилар иштирокидаги футбол ўйинларида педагогик кузатув ўтказдик. Футболчилар тайёргарлигини бундай назорат қилиш тренировка жараёнининг зарурий шarti ҳисобланади. Бу жараён ўқишнинг ҳар бир йили учун аниқ бўлиши ва албатта, ҳаракатларни тавсифлайдиган рақамли кўрсаткичларда ифодаланиши керак. Бевосита ўйин пайтида қайд қилинган маълумотлар ҳозирги вақтда энг информатив ҳисобланади. Техник-тактик ҳаракатларни баҳолашнинг бундай усули ҳар бир ўйиндаги ҳаракатларнинг ҳажми ва самарадорлигини тизимли назорат қилиниши пайтида юқори информатив бўлади. Маълумотларни, дастлабки ўргатиш босқичида, нафақат материални ўзлаштирилишини баҳолаш тести сифатида, балки қайси материал етарли даража ўзлаштирилмаганлигини аниқлаш учун ҳам қўллаш мумкин. Такмиллаштириш босқичида техника даражасини баҳолаш учун кўрсаткичлар кенгайтирилади.

Бундай қайтар алоқа, футболчиларни тайёрлаш тизимини турли босқичларда бошқариш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, бизнинг клуб жамоалари ва терма жамоаларимиз футболчиларининг ўйинларига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, кузатишлар пайтида, Тошкент шаҳар ва Ўзбекистон Республикаси биринчилиги футбол ўйинлари жараёнида мусобақа фаолияти элементларини қайд қилдик. Жами 80 дан ортиқ ўйинлар таҳлил қилинди. Қисқа, ўрта ва узун масофаларга тўпни узатиш, тўпни олиб юриш, рақибни алдаб ўтиш, тўпни олиб қўйиш, олдиндан олиб қўйиш (перехват), яккакурашлар, дарвозага зарба бериш, тўпни олдириб қўйиш ва бошқа кўрсаткичларнинг самарадорлиги қийматлари аниқланди.

Ушбу кўрсаткичларни, бир ўйиндаги умумий сонига нисбатан фоизлардаги қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

Маълумотларнинг таҳлиliga кўра, 13-17 ёшли футболчилар битта ўйин давомида тўп билан мос равишда 272 - 516 та ҳаракатларни бажаришади. Ёш футболчиларнинг техник-тактик ҳаракатлар характерини тадқиқ қилиш, 13 ёшли футболчиларда орқага ва кўндалангига бажарилган қисқа ва ўрта масофаларга тўпни узатиш ҳаракатлари энг кам ва $40,5 \pm 1,53$ га тенглигидан далолат беради. Лекин ёш катталашган сари, ушбу кўрсаткич юқорилашиш анъанасига эга бўлиб, 17 ёшли футболчиларда $71,3 \pm 1,56$ ташкил қилади. Бир

вақтнинг ўзида узун масофага тўпни узатиш кўрсаткичи солиштирма натижалари жуда юқорилигини кузатиш мумкин. Бу ёш футболчиларнинг болалик давридаги ўйинларда тўпни ушлаб қолиш учун олдинга тўп узатишлар эвазига бўлиши мумкин, деган тахмин илгари сурилди. Шу билан бирга, узун масофага тўп узатиш самарадорлиги паст.

2-жадвал

Дастлабки тадқиқотларда 13-17 ёшли футболчиларни ўртача битта ўйинда бажарган мусобақа фаолияти кўрсаткичлари қийматлари

№	МФ кўрсаткичлари номи	$\bar{X} \pm \delta$				
		13 ёш	14 ёш	15 ёш	16 ёш	17 ёш
1	Орқага ва кўндалангига бажарилган қисқа ва ўрта масофаларга тўпни узатишлар сони	40,5±1,53	44,5±1,57	50±1,57	64±1,55	71,3±1,56
	Орқага ва кўндалангига бажарилган қисқа ва ўрта масофаларга тўпни узатишлар самарадорлиги	0,45	0,48	0,50	0,50	0,52
2	Олдинга бажарилган қисқа ва ўрта масофаларга тўпни узатишлар сони	59,9±2,37	72,3±1,42	96,8±4,84	131,2±1,5	150,9±1,99
	Олдинга бажарилган қисқа ва ўрта масофаларга тўпни узатишлар самарадорлиги	0,43	0,49	0,52	0,56	0,62
3	Узун масофага тўп узатишлар сони	15,9±1,16	16,8±1	23,6±1,18	20±1,39	19,4±1,5
	Узун масофага тўп узатишлар самарадорлиги	0,18	0,20	0,30	0,32	0,40
4	Тўпни олиб юриш	60,8±1,88	72,3±1,55	79,2±1,51	86,6±1,42	95,3±1,42
	Тўпни олиб юриш самарадорлиги	0,40	0,45	0,52	0,55	0,59
5	Алдаб ўтиш	30±1,37	32,4±1,79	38,6±1,26	50,8±1,19	64±1,37
	Алдаб ўтиш самарадорлиги	0,25	0,40	0,46	0,50	0,42
6	Тўпни олиб кўйиш	48,6±0,99	51,2±1,25	61,8±1,03	67,7±1,07	71±1,21
	Тўпни олиб кўйиш самарадорлиги	0,37	0,45	0,49	0,50	0,58
7	Бош билан ўйнашлар сони	7,3±1,18	9,9±1,02	10,7±0,96	12,6±0,94	15,8±0,8
	Бош билан ўйнаш самарадорлиги	0,30	0,32	0,45	0,50	0,51
8	Дарвозага оёқлар билан берилган зарбалар сони	8,8±0,93	10,6±1,08	11,6±1,18	14±0,99	17±1,12
	Дарвозага оёқлар билан берилган зарбалар самарадорлиги	0,30	0,35	0,40	0,52	0,42
Жами ТТХ	сон	272	310	372	447	516
	самарадорлиги	0,48	0,56	0,62	0,69	0,72

Ёш футболчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини назорат қилиш учун бир қатор назорат нормативлари мавжуд, лекин маълумки, тестларнинг мақбуллиги маълум бир талабларга жавоб бериши керак. Шу туфайли, биз, ушбу тестларни «Тест-ретест» усули бўйича тадқиқ қилдик (Спорт метрологияси. Дарслик, 2015 й.).

Ушбу тестларни 13,14,15,16, ва 17 ёшдаги гуруҳлар учун стабиллиги 3-жадвалда келтирилган.

Тестларнинг стабиллиги коэффиценти қийматларини аниқлаш, ушбу тестларнинг барчаси етарли даражада стабиллигини ва $K_{ст} > 0,75$ қийматли стабиллик коэффицентиغا эга эканлиги кўрсатди.

Энг юқори стабиллик югуриш тестларида – 30м ва 400м га югуришда ҳамда жойидан туриб узунликка сакрашда бўлди. Тўп билан техника бажариш – чап ва ўнг оёқ билан тўпни узоққа тепиш тестлари энг паст коэффицентга эга. Шунини ҳам айтиш лозимки, футболчининг ёши қанчалик катта бўлса, стабиллик коэффиценти шунчалик юқори бўлади.

Уларнинг барчаси ёш футболчиларнинг умумий ва махсус тайёргарликларини назорат қилиш учун тавсия қилинади.

3-жадвал

Ёш футболчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини назорат қилиш учун тестларнинг стабиллик коэффиценти қийматлари

№	Тестнинг номи	Стабиллик коэффиценти қийматлари- $K_{ст}$				
		13 ёш	14 ёш	15 ёш	16 ёш	17 ёш
1.	30 м га югуриш (сек)	0,926	0,938	0,952	0,956	0,968
2.	400 м га югуриш (сек)	0,892	0,896	0,904	0,912	0,914
3.	Жойидан туриб узунликка сакраш (см)	0,886	0,910	0,908	0,920	0,924
4.	3000 м га югуриш (сек)	0,820	0,842	0,892	0,912	0,926
5.	Тўпни олиб юриб 30 м га югуриш (сек)	0,812	0,830	0,854	0,861	0,866
6.	Тўпни олиб юриб 5x30 м га югуриш (сек)	0,846	0,858	0,882	0,904	0,912
7.	Оёқ билан тўпни узоққа тепиш (м) (ўнг/чап)	0,796	0,806	0,810	0,812	0,822
8.	Тўпни олиб юриб, тўпни айланиб ўтиш ва дарвозага зарба бериш (сек)	0,814	0,826	0,822	0,836	0,842

Ёш футболчиларнинг умумий ва махсус тайёргарликлари даражасини баҳолаш учун 4-жадвалда келтирилган тестлар қўлланилди. Тадқиқотларда 13-17 ёшдаги гуруҳлар иштирок этдилар.

Тадқиқот натижалари ва уларни қайта ишлаш: ўртача арифметик қийматни - \bar{X} , стандарт оғишларни - δ , вариация коэффицентларини - $V\%$ ҳисоблаш шуни кўрсатдики, гуруҳ ичидаги ривожланиш синовдан ўтувчиларнинг ёшига қараб вариация қилади. Масалан, 13 ва 14 ёшли футболчиларда вариация ўртача 3,9 дан то 54,7% гача ўзгарса, 15 ва 16 ёшлиларда ушбу кўрсаткич 3,7 дан то 9,8% гача ўзгарди.

4-жадвал

13-17 ёшли футболчиларнинг УЖТ ва МЖТ кўрсаткичлари

Ёши (йил)	Статистик кўрсаткичлар	УЖТ кўрсаткичлари				МЖТ кўрсаткичлари			
		30 м га югуриш	400 м га югуриш	Жойдан туриб узунликка сакраш	3000 м га югуриш	Тўпни 30 м га олиб юриш	Тўпни 5x30 м га олиб юриш	Тўпни узоққа тепиш	Тўпни олиб юриб, тўсиқларни айланиб ўтиш ва дарвозага зарба бериш
13	\bar{X}	4,84	69,5	204,4	12,2	4,98	26,0	61,3	9,5
	δ	0,19	3,65	15,6	0,69	0,15	1,154	8,27	0,76
	$V\%$	3,9	5,2	7,6	5,7	3,1	4,4	12,9	8,0
14	\bar{X}	4,72	76	208	12,0	4,90	25,5	63,8	8,9
	δ	2,7	50,1	13,7	0,9	4,8	4,8	6,8	9,1
	$V\%$	54,7	7,0	6,5	7,5	97,9	18,8	1,6	101
15	\bar{X}	4,43	63,9	228,8	11,19	4,65	25,1	77,3	8,85
	δ	0,2	3,23	12,5	0,6	0,23	4,06	13,6	7,2
	$V\%$	5,0	5,1	5,5	5,4	4,9	4,06	13,6	7,2
16	\bar{X}	4,42	62,2	234,2	11,17	4,59	24,8	82,7	8,38
	δ	0,27	2,43	16,64	0,26	0,23	0,6	7,69	0,74
	$V\%$	6,1	3,9	7,1	2,3	5,01	2,4	9,3	8,8
17	\bar{X}	4,32	61,48	243,4	11,25	4,56	23,86	83,3	7,68
	δ	0,16	2,86	11,4	0,77	0,33	0,9	8,2	0,6
	$V\%$	3,7	4,65	4,7	6,8	7,2	3,8	9,8	7,8

Умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус жисмоний тайёргарлик ўртача гуруҳлараро қийматлари \bar{X} кўрсаткичлари бўйича 13-17 ёшли гуруҳларда ёшга боғлиқ ҳолда натижалар даражасининг ортиши кузатилди. Масалан, жойдан туриб узунликка сакраш тестида 16 ёшли футболчиларнинг натижаси - 234,2 см, 17 ёшлиларда - 243,4 см бўлди, тўпни узоққа тепиш тестида эса, мос равишда 82,7 м ва 83,3 м бўлди.

Бундан хулоса шуки, қўлланилган тестлар етарлича стабилликка ва информативликка эга, ёш футболчиларнинг индивидлараро ва умумий

гуруҳдаги умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус жисмоний тайёргарлик даражалари динамикаси тўғрисида ахборот беради. Лекин шуни айтиш лозимки, синовдан ўтган футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражалари нисбатан паст.

Диссертациянинг **“Ёш футболчилар тайёргарлигини ёшга оид хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оширишни тажрибада асослаш”** номли тўртинчи бобда жамоалар тренерлари билан биргаликда мусобақа, ўқув-тренировка фаолиятида ва III бобда ўтказилган тест синовларида олинган маълумотлар таҳлил ва муҳокама қилинди. Шу билан бирга, БЎСМ ва ИОЗБЎСМ ҳар хил ёшдаги спортчилари учун Ўзбекистонда 2001 йилда нашр қилинган ёш футболчиларни тайёрлаш дастурини таҳлил қилиш, уларда ёш спортчиларнинг маълум бир ҳаракат сифатларини оптимал ривожлантириш учун одам ҳаётининг сенситив даврларини ёшга оид хусусиятлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги аниқланди.

Юқорида баён қилинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, кейинчалик 2017 йилда, биз томондан асосий педагогик тажриба амалга оширилди. Асосий педагогик тажрибани режалаштириш пайтида, организмни жисмоний юкламаларга адаптация қилишидан олинмаган ижобий самарага болалар ва ўсмирлар организмни ривожланишининг табиий қонуниятлари ҳисобга олинсагина эришилиши мумкинлигидан келиб чиқдик. Шу туфайли, тренировка жараёнини тузиш пайтида улар муҳим вазифалардан бири бўлиши керак.

Одам организмнинг ривожланишини ушбу умумий хусусиятлари тренировка жараёнини ташкил қилишнинг асосий ҳолатларини шакллантириш имконини берди. Хусусан, тренировка юкламаларининг параметрлари - ихтисослаштирилганлик, йўналганлик, жадаллик, координацион мураккаблик ва катталиқ нафақат тренировка мақсадларига, балки шуғулланувчилар организмнинг ёшга оид ҳолатига ҳам мос келиши керак. Бизнинг тахминимизча, ушбу ҳолатларни тренировкаларда ҳисобга олиниши, болалар ва ўсмирлар ёшидаги футболчилар тайёргарлигининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Асосий тажрибаларда 14 ва 15 ёшли футболчилар жамоаларидан мос равишда 23 ва 22 нафари иштирок этди. Синовларда жами 45 нафари қатнашди. Уларни танлаш, айнан шу ёшда, жисмоний ривожланишнинг асосий параметрлари бўлмиш тана узунлиги, тана массаси, ўпканинг ҳаётий сифими, кислородни максимал истеъмол қилиш, чидамлилиқ, анаэроб-гликолитик қобилиятлар, тезкор қобилиятлар, чакқонлик энг юқори даражада акцентлаштирилган ривожланишнинг босқичлари билан бир вақтга тўғри келиши билан боғлиқ тарзда амалга оширилди. Табиий ўсиш суръатлари “юқори” ва “жуда юқори” сифатида тавсифланади.

Ёш футболчилар тайёргарлигини чегараловчи томонларини ошириш воситалари ва усулларини баҳолаш мақсадида умумий ва махсус тайёргарликнинг ҳамда 14 ёшли футболчиларнинг функционал кўрсаткичларини дастлабки позициялари аниқланди. Дастлабки маълумотлар

йиллик циклнинг бошида аниқланди. Иккиламчи тадқиқотлар циклнинг якунида ўтказилди. 14 ёшли футболчиларнинг йиллик циклдаги умумий ва махсус тайёргарликлари кўрсаткичлари динамикаси 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Тайёргарликнинг йиллик циклида 14 ёшли футболчиларни умумий ва махсус тайёргарликлари кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Тадқиқот бошида n=27			Тадқиқот якунида n=23			t	P
	$\bar{X} \pm \delta$	m	V	$\bar{X} \pm \delta$	m	V		
УЖТ								
30 м га югуриш	4,60±0,15	0,03	3,2	4,30±0,15	0,05	3,5	5,7	0,95
400 м га югуриш	67,6±2,4	0,5	2,6	62,5±2,1	0,4	3,4	6,4	0,99
Узунликка сакраш	195,4±9,0	2,12	4,5	230±5,3	1,1	2,3	10,6	0,99
3000 м га югуриш	12,2±0,3	0,2	2,4	11,3±0,3	0,06	2,6	4,5	0,99
МЖТ								
30 м га тўп билан югуриш	4,7±0,13	0,02	2,8	4,4±0,06	0,01	1,5	10,0	0,99
Тўпни олиб юриш 5x30 м	25,3±0,4	0,1	1,5	23,9±0,3	0,06	1,25	11,0	0,99
Узоққа тепиш	63,4±7,6	1,7	11,5	87,6±3,6	0,7	4,1	12,1	0,99
Тўпни олиб юриб, тўсиқларни айланиб ўтиш ва дарвозага зарба бериш	5,0±1,1	0,3	23,2	6,8±0,5	0,16	7,3	5,2	0,99

Жадвалдан кўриниб турибдики, умумий жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг дастлабки маълумотлари етарлича яхши даражада эмас. Бунга, 30м га югуриш натижалари $4,6 \pm 0,15$ далолат беради. Чегараловчи омиллар бўлиб тезкор-куч сифатларининг тавсифлари - жойидан туриб узунликка сакраш ($\bar{X}=195,4$ см), чидамлилиқ кўрсаткичлари (югуриш 3000м - $\bar{X}=12,2$ мин) ҳисобланади. Махсус жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари ичида узоққа тепиш ($\bar{X}=63,4$) ва тўпни олиб юргандан кейин аниқ зарба бериш ($\bar{X}=8,9$) каби тестлар етарлича яхши бўлди.

Функционал кўрсаткичлар даражасини тавсифлашда (6-жадвал) шуни айтиш лозимки, чегараловчи омил сифатида жисмоний юкламалардан кейинги тикланиш коэффициенти ($\bar{X}=4,7$), тананинг фаол массаси ($\bar{X}=40,4$) ва функционал ҳолат даражаси ($\bar{X}=0,786$) илгари чиқади, бу, ўртачадан бирмунча юқори деб баҳоланади.

Ёш футболчиларнинг жисмоний ва функционал тайёргарликларини

ҳисобга олиш билан мазкур футболчилар гуруҳлари учун ўқув режаси ва ўқув соатларини тақсимлаш графиги ҳамда тайёргарликни даврийлаштиришнинг йиллик режаси ва йиллик циклнинг босқичлари бўйича ҳафталик микроцикллар ишлаб чиқилди ва ўқув-тренировка жараёнига жорий қилинди, улар диссертацияда баён қилинган.

6-жадвал

Тайёргарликнинг йиллик циклида 14 ёшли футболчиларни функционал кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Тадқиқот бошида n=27			Тадқиқот якунида n=23			t	P
	$\bar{X} \pm \delta$	m	V	$\bar{X} \pm \delta$	m	V		
Тикланиш коэффициенти	4,7±1,8	0,3	18,5	9,6±0,9	0,15	33,5	5,8	0,99
Чидамлилик коэффициенти	12,6±2,9	0,6	23,4	12,4±1,06	0,25	8,5	0,3	t<t _{гр}
*ЗХ	79±7,4	1,5	9,4	83,2±5,5	1,15	6,6	2,25	0,95
*МО	4,1±0,3	0,06	7,3	5,0±0,3	0,06	6,0	12,0	0,99
*ТЁМ	7,9±1,2	0,2	23,3	9,5±1,2	0,2	12,6	0,96	t<t _{гр}
*ТФМ	40,4±1,6	0,3	3,6	47,6±2,6	0,5	5,4	2,4	0,95
*ФХД	0,786±0,05	0,1	6,3	0,832±0,04	0,01	4,8	4,6	0,99

*ЗХ-зарба ҳажми; ДХ-дақиқалик ҳажм; ТЁМ-тананинг ёғ массаси; ТФМ-тананинг фаол массаси; ФХД-функционал ҳолат даражаси

Тадқиқот якунида олинган маълумотларнинг кўрсатишича, умумий жисмоний тайёргарлигининг барча кўрсаткичлари ишончли яхшиланди. Узунликка сакрашни ўртача 195,4 дан то 230 см, 400м га югуришда ўртача 67,6 дан то 62,5 сониягача яхшиланишини алоҳида айтиш лозим. Махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари барча тестларда яхши бўлди. Айниқса, узоққа тепиш кўрсаткичларини ўртача 63,4 м дан то 87,6м гача яхшиланганлигини айтиш лозим. Барча ўзгаришларнинг ишончилиги юқори бўлди. Функционал кўрсаткичлар ичида тренировка жараёнининг ижобий таъсири тикланиш коэффициенти кўрсаткичларида ўртача 4,7дан то 9,6гача ва тананинг фаол массасида 7,2 кг ортиши кузатилди. Лекин чидамлилик коэффициенти ва тананинг ёғ массасида ишончли ўзгаришлар кузатилмади. Шу билан бирга, умумий жисмоний тайёргарлик, махсус жисмоний тайёргарлик ва функционал кўрсаткичларда қайд қилинган ўзгаришлар ушбу гуруҳ футболчиларини Ўзбекистон биринчилигида ғолиб бўлишларига имконият яратди.

Худди шундай тестлаш 15 ёшли футболчилар гуруҳида ҳам ўтказилди (7-жадвал). Кўрсаткичларнинг ўртача статистик маълумотларини тавсифлаш шуни кўрсатдики, умумий жисмоний тайёргарлик воситаларидан футболчилар тайёргарлигини чегараловчи омилар 30 м га югуриш (\bar{X} =4,47см), жойидан туриб узунликка сакраш (\bar{X} =222,3см) ва 3000 м га

югуриш ($\bar{X}=12,2\text{м}$) ҳисобланади, буни, тезкорлик, тезкор-куч ва чидамлилиқ сифатларини етарли даражада эмас, деб баҳолаш мумкин. Махсус жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари ичида - тўпни олиб юриб, аниқ зарба бериш ($\bar{X}=5,3$).

7-жадвал

Тайёргарликнинг йиллик циклида 15 ёшли футболчиларни умумий ва махсус тайёргарликлари кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Тадқиқот бошида n=22			Тадқиқот якунида n=22			t	P
	$\bar{X} \pm \delta$	m	V	$\bar{X} \pm \delta$	m	V		
УЖТ								
30 м га югуриш	4,47±0,24	0,04	5,36	4,22±0,18	0,16	4,26	2,2	0,95
400 м га югуриш	64,2±4,1	0,7	6,4	61,09±1,4	0,3	2,3	2,6	0,95
Узунликка сакраш	222,3±8,3	1,4	3,7	241,3±4,4	0,9	1,8	10,2	0,99
3000 м га югуриш	12,2±0,5	0,1	4,5	11,2±0,5	0,1	4,1	2,0	0,95
МЖТ								
30 м га тўп билан югуриш	4,63±0,27	0,05	5,8	4,5±0,8	0,01	1,8	2,65	0,95
